



НОКИМИ

ХОКИМИ

Қ А Р О Р

21 " август

№ 183-К

Самарқанд гидрометеорология
Марказига ер ажратиш тўғри-
сида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23 моддаларига асосан,
Каттақўрғон тумани ҳокимининг 2001 йил 5 февралдаги 31-Қ, рақамли
қабул қилган қарорини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Самарқанд гидрометеорология Марказига метеорологик станция
ва агрометеорологик кузатув ишларини олиб бориш учун А.Навоий номли
ширкат хўжалигининг суғориб ҳайдаладиган еридан 1,0 гектар ер майдони
ажратиш ҳақида»ги Каттақўрғон тумани ҳокимининг 2001 йил
5 февралдаги 31-Қ, рақамли қабул қилган қарори тасдиқлансин.

2. Самарқанд гидрометеорология Марказига ажратилаётган 68 балли
1,0 гектар ер ўрнини қоплаш учун 303 (уч юз уч минг) сўм пулни вилоят
ер ресурслари бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш
топширилсин.

3. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га туманлар
хўжаликларининг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш
топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари А.Жураевга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Рузиев